

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ

тадбиркорликнинг фаол йўналишларидан бирига айланмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Табиатда мавжуд минглаб турдаги доривор ўсимликлар инсониятга тухфа этилган энг катта бойликлардан биридир. Асрлар давомида халқ табobati ҳам, замонавий тиббиёт ҳам ана шу шифобахш гиёҳлар асосида ривожланди. Аммо бугун ер юзида мавжуд 10-12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг бир қисмигина кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссаларига кўра, фанда ўрганилган.

Уларнинг яна қанчиси юзлаб касалликларга даво бўладиган шифобахшлик хусусиятларини ўзида сақламоқда.

Ўзбекистон табиати ва тупроғи азалдан турли гиёҳларга бой. Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ турдаги ўсимликнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган. 70 турдаги доривор ўсимликлар эса

фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

Аммо табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захиралари ҳам инсон таъсирида камайиб бормоқда. Бу эса республикада шифобахш ўсимликлар турларини кўпайтириш, уларни юртимиз тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган минтақаларда экиб, ўстириш заруратини юзга келтирмоқда.

Шу мақсадда сўнгги йилларда мамлакатимизда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, кўшимча қиймат занжирини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Доривор ўсимлик кластери ва плантациялари ташкил этилмоқда

Доривор ўсимликларга, айниқса, фармацевтика саноатида талаб катта. Ҳар йили юртимизда ўсадиган юзлаб доривор ўсимликлардан турли препаратлар тайёрланиб, замонавий тиббиётда касалликларни даволашда қўлланилади. Мамлакатимизда доривор ва зирavor ўсимликларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани уларни экиб, ўстирадиган фермер ва ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ва кўпайтириш заруратини юзга келтирмоқда. Шу боис, чет давлатлар стандартлари асосида доривор ўсимликлар етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишловчи кластерлар сонини кўпайтириш, экспортда доривор ўсимликларнинг хомашё сифатидаги улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга қаратилган ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу борада истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, хориж инвестициялари юртимизга жалб этилмоқда.

Мутасаддиларнинг айтишича, айни пайтда республикаимизда доривор ва зирavor ўсимликларни етиштирувчи 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, улар сони кун сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, ҳудудларда 14 та доривор ўсимлик кластери, маҳаллий тадбиркорлар томонидан плантациялар ташкил этилди. Хўжалик далаларида коврак, қизилмия, шафран, доривор мойчечак, қалампир ялпиз, мармарак (маврак), валериана, фенхель (дорихона укропи), тирноқгул, наъматак турлари, аччиқ шувок (эрман), қора андиз, ажгон (зиран кармони), арпабодиён, оддий дастарбош, бўлакли итузум, майда гулли тоғрайхон, беш бўлакли арслонқуйруқ, пол-пола, сано (кассия) ва бошқа доривор ўсимликлар ўстирилмоқда.

Юртимизнинг тоғли ҳудудларида, муссаффо ҳавода етиштирилаётган шифобахш ўсимликларга хорижда ҳам талаб

катта. Ҳозир доривор ўсимликлар, уларнинг қисмлари ва улар асосида олинган маҳсулотларни Германия, Франция, Россия, Беларусь, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларга экспорт қилиш йўлга қўйилган. Ўтган йили доривор ўсимликлар экспорти ҳажми 48 миллион АҚШ долларига етди.

Бугунги кунда доривор ўсимликлар маданий плантацияларини яратиш мақсадида ҳар бир кластер таркибида ва 15 дан ортиқ хўжаликда уруғчилик ва оналик кўчатзорлари яратилляпти. Янги тур ўсимликларни маданийлаштириш ва янги навларни яратиш борасида илмий изла-нишлар, тадқиқотлар олиб борилляпти.

— Соҳа мутахассислари бу борада кўзланган натижаларга эришиш учун амалий ишларни аллақачон бошлаб юборган, — деди Бахтиёр Холбоев. — Хусусан, доривор ўсимликлар агротехнологияларини ишлаб чиқишда Ҳиндистон, Хитой ва Европа давлатлари тажрибаси фаол ўрганилмоқда. Бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорларга амалий ёрдамлар кўрсатилиб, уларга кам фоизли кредитлар тақдим этиляпти. Шу билан бирга, бу соҳада иш бошлаётган кишилар учун доривор ва зирavor ўсимликлар ҳамда уларни етиштириш технологиялари бўйича қўлланма ишлаб чиқяпмиз. Бу қўлланма нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки доривор ўсимликларни етиштиришга қизиқадиган барча инсонларга қўл келишига ишонамиз. Муҳими, юртимизда ушбу йўналишни оммалаштириш орқали тиббиётда кенг фойдаланиладиган доривор гиёҳларни кўпайтириш ва улар орқали турли касалликларни даволашни мақсад қилганмиз.

Айни пайтда палата вакиллари ҳудудларга чиқиб, доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчилар ҳамда гиёҳларни қайта ишловчи корхоналар фаолияти билан яқиндан танишмоқда.

Янги бўлимнинг вазифалари

Айни пайтда юртимизда доривор ва зирavor ўсимликларни нафақат кўпайтириш, балки уларни етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, шу йўналишда ўз ишини ташкил этган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ўсимликлар етиштирувчилар манфаатларини ҳимоялаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялашни йўлга қўйиш ҳам муҳим масалалардан бирига айланган. Ана шу вазифаларни фаол амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Савдо-саноат палатасининг доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди.

Шу вақтга қадар доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича иш олиб борадиган бир қанча илмий институтлар мавжуд эди. Аммо янги тузилма зиммасидаги вазифалар уларникидан бироз фарқ қилади. Мазкур бўлим фаолиятида асосий эътибор доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчилар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, етиштириладиган ўсимликларнинг хусусиятлари, улар ўстириладиган ҳудудлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон ахборот тизимини яратиш, уларни қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш, оналик

майдонларини барпо этиш, кўчатчилик ва уруғчилик тизимини йўлга қўйиш, хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этиш ҳамда доривор ўсимликлар етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишга қаратиллади.

— Доривор ва зирavor ўсимликларни етиштириш осон жараён эмас. Бунинг учун, аввало, уларнинг турлари, хусусиятларини яхши тушуниш, бу борада муайян билимларга эга бўлиш, ўсимликларни етиштиришда агротехнологияларни қўллаш олиш, танланган ҳудуднинг иқлим ва тупроқ таркибига мос келадиган ўсимликлар экиш тажрибаси ҳамда уларни қуритиш ва қайта ишлаш жойларига эга бўлиш талаб этилади, — дейди Савдо-саноат палатаси доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Бахтиёр Холбоев.

— Бўлимимиз мутахассислари бу борада энди иш бошлаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Хусусан, палата вакиллари доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчи ишбилармонларга бизнес тузилмалар фаолиятини яратиш ва ташкил этиш, бизнес режа тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш, хорижий компанияларнинг инвестициялари ҳамда илғор технологияларини жалб қилиш, фаолиятини ривожлантириш мақсадида чет элдан ҳамкорлар топиб бериш, хорижда ва юртимизда ўтказиладиган кўргазмаларда иштироқ этиш каби масалаларда уларга яқиндан кўмаклашади.

